

ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИНИНГ ФАРЗАНД ТАРБИЯСИДА ТУТГАН ЎРНИ

А. Менлибаева

Ажсиниёз номидаги НуқДПИ,

Педагогика кафедраси ассистент ўқитувчиси

Халқ оғзаки ижоди қадим замонлардан бўён жаҳон халқларининг, шу жумладан ўзбек халқ педагогикасининг ҳам муҳим тарбия воситаси бўлиб келган. Халқ оғзаки ижодининг турли жанрлари оилада болаларни тарбиялашда воситаси сифатида ҳозиргача фойдаланиб келинмоқда. Оилада болаларни тарбиялашда мақоллар, афсона ва ривоятлар, эртак ва дostonлар, масаллар катта аҳамиятга эга.

Мақоллар халқнинг оғзаки ижоди ҳисобланса-да, дастлаб уни бир киши яратади. Маъноли гапдан ҳузурланган одамлар уни эслаб, кейин ўз нутқларида ишлатадилар. Шунчаки айтмай унга жило берадилар, ўзларидан яна бир маъно кўшадилар. Ибратли гаплар шу зайлда одамлар тилига кўчади. Айрим мақоллар юз йиллардан бери тилдан тушмай келади. Бир сўз билан айтганда, мақоллар халқнинг узок даврлар мобайнида эришган ҳаётий тажрибасидан ҳосил бўлган иборалар, халқ донишмандлигининг биллур томчиларидир.

Мақоллар орқали оилада болаларда билимлилик, касб-хунарга эга бўлиш, адолат, инсонийлик, садоқат, камтарлик, жасорат, ширинсўханлик, поклик, вафодорлик, дўстлик, мардлик, меҳнатсеварлик каби ахлоқий хислатлар таркиб топади. Аксинча, билимсизлик, нодонлик, манманлик, номардлик, вафосизлик каби хислатларга нисбатан мурсосасизлик тарбияланади.

Кўшиқлар қадимдан халқ орасида кенг тарқалган. Улар асосан куйга солиниб ижро этилган. Кўшиқ аслида кенг маъноли тушунча бўлиб, ўз ичига бир қанча турларни олади. Улар орасида меҳнат ва маросим кўшиқлари, хунармандчилик, чорвачилик, деҳқончилик билан боғлиқ кўшиқлар, мавсум кўшиқлари, лирик кўшиқлар ва бошқалар бор.

Кўшиқларда алоҳида кишиларнинг шодлик ва ғами, ҳис-ҳаяжони туйғулари, фикр-мулоҳазалари ифодалансада, уларда асосан кенг халқ оммасининг орзу-умидлари, ўй-хаёллари, ижтимоий муносабатлари, урф-одатлари, дунёқараши мужассамлашган. Шунинг учун ҳам уларда шу халқ тарихи муайян даражада бадиий ифодасини топган бўлади.

Кўшиқлар ҳаётий воқеликни бадиий ифода этганлиги сабабли кишилар кўнглига тез етиб боради. Ана шу сабабли ҳам оилада болаларни тарбиялашда мазкур халқ оғзаки ижоди жанрининг ўрни катта. Масалан, болаларни «саломлашиш»га ўргатиш уларни тили чиқиши биланоқ бошланадиган ва ота-

она ҳамда оиладаги катталар олдида турган дастлабки педагогик фаолият – инсоний бурч ҳисобланади. Қўшиқларда ўз фарзандини «саломлашиш»га ўргатган ота-она мақталади, тақдирланади:

Қизил-қизил олма тердим, тепа шоҳидан эгилиб,
Қизларжон ўтиб борадир сочбоғи ерга тегиб,
Салом берсам алик олди тол хивичдек эгилиб,
Ўстирган онангга раҳмат, ўлмагайсан кўз тегиб.

Акс ҳолдаги кўринишлар қаттиқ қораланади. Ота-она тиурли таъна ва иснодга қоладилар:

Икки юзинг пишган олма,
Ноз этиб ҳаргиз буролма,
Ишдан ҳеч бўйин товлама,
Чиройлисан, кўрдик келин.
Онанг сени ўстирган ҳам,
Сўзларимни уққин тамом.
Катталарга бергин салом,
Шунда қадринг ортар келин.

Ота-она обрўси. «Авторитет» сўзи лотинчадан таржима қилинганда, таъсир этиш, куч деган маънони билдиради. Авторитет болалар учун «атайлаб» махсус ҳосил қилиниши мумкин эмас. У ота-оналарнинг ўзлари билан боғлиқ. Унинг ўзаги – ота-оналарнинг хулқ-атвори, уларнинг ғоявий ва маданий қизиқишлари, хатти-ҳаракатлари, ишга, фикрга, одатларга, муносабатида.

Педагог олимларнинг фикрича, «ҳақиқий авторитет ота-оналарнинг фуқаролик фаолияти, фуқролик туйғуси, бола ҳаёти ҳақидаги билим, унга уларнинг ёрдами ва уларнинг бола тарбиясига масъулитига асосланади».

Агар ота-оналар бола ҳаёти ҳақидаги тўлиқ билимга эга бўлса, унга эътибор қаратади, ана шунда болалар уларни ҳақиқатдан ҳам ҳурмат қилади.

Ота-оналар уларнинг болалари ўсиши, ўзгаришини эсда тутишлари керак. Таълим муассасасидаги ҳар бир дарс, ҳар бир ўқилган китоб, янги учрашувлар болаларнинг одамларнинг характери, ўзаро муносабатлари билан танишишларини чуқурлаштиради. Маълум бўладики, ота-она обрўси бешиқдаги вақтдагидек қолади, деб ўйлаш тўғри бўлмайди.

Шуни таъкидлаш керакки, ота-она обрўсини сўз ва иш бирлиги мустаҳкамлайди. Болалар бизга жуда диққат билан эътибор билан қарашади ва улар бизнинг хатти-ҳаракатларимиздаги сўз ва иш мос келмаслигини пайқашса – бу биз учун ҳақоратнинг бошланиши. Чуқур ўйламасдан, бажара олишингизга ишонч ҳосил қилмасдан болага ҳеч нарса ваъда қилмаслик лозим.

Ота-она обрўсини шакллантиришда ҳал қилуви ролни уларнинг ўз сўзга муносабати ўйнайди. Талаблар оҳанг ва мазмун жиҳатдан жиддий ва дадил бўлиши керак.

Инсон ҳам *табиат*нинг бир мўъжизаси бўлганлиги боис, оилада болаларни табиат воситасида тарбиялаш уларнинг баркамол бўлиб вояга етишларида муҳим аҳамиятга эга. Чунки табиатга муносабат, унга бўлган ғамхўрлик тўйғуси инсон шахси маданиятининг бир белгисига айланади.

Ҳар бир инсон, албатта табиатдан завқ олишни истайди. Аммо бу дегани ҳали табиатга муҳаббат дегани эмас. Табиатга муҳаббат уни тушунишдан, унинг гўзалликларини англашдан, табиат билан муносабатга киришишдан бошланади.

Табиат ҳам инсонда инсонда кузатувчанлик, сезгирлик, назокатлиликни тарбиялайди. Бу инсонда икки томонлама намоён бўлади: бири табиатга муносабат орқали, иккинчиси ўз-ўзига муносабат орқали.

Инсон маънавиятини тарбиялашда *санъат*нинг ўрни беқиёсдир. Санъат инсон туйғуларини бойитиб ва ривожлантириб, унинг ҳаётини маънавий жиҳатдан янада яхшилади ва мазмунли қилади. Чунки санъат инсоннинг гўзалликка бўлган эҳтиёжларини қондириш, унинг дидини шакллантириш, ижодий қобилиятини камол топтириш билан уларни жаҳолатда сақлайди, эзгулик сари етаклайди. Бу билан санъат инсонинг маънавий ўсишига имкон беради, энг мураккаб муаммоларни ҳал этишига, ҳаётда ўз ўрнини топишига кўмаклашади. Лекин бунинг учун аввало, санъатни тушуниш, у билан ошно бўлиш, уни ёшлар онгига сингдириш лозим.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, оилада болаларни тарбиялашда санъатнинг турли шакллари: тасвирий санъат, кўшиқ айтиш, театр, музей кабилардан фойдаланиш бола қобилиятини юзага чиқариш, унда ахлоқий, эстетик сифатларни шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мусурмонова О. Оила маънавияти – миллий ғурур //Ўқув қўлланма. – Т.: Ўқитувчи, 1999. – 200 б.
2. Нишоновна С. Эзгулик йўли. – Т.: Маънавият, 2000, 25-26-бет
3. Педагогика /А.Қ.Мунавваровнинг умум. таҳ. остида. – Т.: Ўқитувчи, 1996. – 200 б.